

Шавкатжон ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти

УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД АЛ БУХОРИЙНИНГ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Мовароуннаҳрда муқаддас ислом дини кенг тарқалиб, миллатнинг асл маърифат манбаига айланганидан сўнг, ушбу диёрдан забардаст дин пешволари, етук комусий уламолар етишиб чиқа бошлади. Улар ўз даврларида илму маърифатни пухта эгаллаб, ислом тамаддунининг порлоқ намоёндалари сифатида исломий таълим ва тарбия соҳасида ўзига хос тамал тошини қўйганлар. Айнан Ўрта Осиёда IX – XII асрларни “Ислом ренессанси”, яъни, “Ислом уйғониш даври” дейилиши бунинг ёрқин мисолидир. Мовароуннаҳрда мўғуллар босқинига қадар ислом дини ва аҳкомлари юксак тараққий этган. Чингизхон босқини оқибатида эса исломий ўлкалар хонавайрон этилиб, муқаддас даргоҳларнинг кули қўкка совурилган. Лекин шунга қарамай, дин омонатини жонни сақлагандай авайлаб, келгуси авлодга етказган дин пешволарига тарих гувоҳдир. Шундай комусий уламолардан бири “Асҳоби таржих” (хукмий масалаларни бирини бошқасидан устунлик жиҳатларини тадқиқ қилувчи олим)лардан бўлмиш Убайдуллоҳ ибн Масъуддир. У кишининг тўлиқ исмлари Убайдуллоҳ Содруш шария ал-Асғар ибн

Масъуд ибн Тожуш шария Маҳмуд ибн Содруш шария Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдуллоҳ ал-Маҳбубий ал-Бухорийдир.

«Содруш шария ал-асғар» «кичик содруш шария» деганидир. “Содруш шария” ўзбек тилида “Шариатнинг қалби” маъносини ифода этади. Боболарининг унвони ҳам “содруш шария” бўлганлиги насабларидан кўриниб турибди. Шунинг учун, катта бобо «Содруш шария ал-акбар» — «Катта содруш шария», набира эса «Содруш шария ал-асғар» — «Кичик содруш шария» деб аталган. Баъзи манбаларда икковларини «Содруш шария биринчи» ва «Содруш шария иккинчи» деб ҳам фарқлаганлар.

Аммо, “содруш шария” унвони асосан, Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорийга нисбатан қўлланилган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий Бухоро шаҳрида илму маърифат булоғи бўлган, ўз бағрида етук фақиҳ уламоларни тарбия этган оилада таваллуд топган.

Боболари имом Тожуш шария Маҳмуд ибн Содруш шариянинг тарбиялари остида машхур аллома бўлиб етишдилар. Ўша даврда Бухорода ҳукм сурган таҳликали вазият

Убайдуллоҳ оиласини Хуросон томонга, яъниким, Кирмон шахрига кўчиб келишга мажбур қилди. Убайдуллоҳ ибн Масъуд у ерда бобоси қўлида таълим ва таҳсилни давом эттирди. Манбалардаги маълумотларга кўра, боболари Кирмон шахрида вафот этган. Кейинчалик у зот Кирмонни тарк этиб, ўша даврда Хуросоннинг йирик илмий марказларидан бири бўлмиш Ҳирот шахрига келади ва илмий фаолиятларини шу ерда давом эттиради. У кишининг қалби доимо она ватан Бухорога қайтиш илинжида бўлган.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг насаблари улуғ саҳобий Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳуга бориб тақалади. У кишига “Убодий” нисбасининг берилиши ҳам шу сабабдандир. “Маҳбубий” нисбаси ҳам боболаридан бирларига бориб тақалади. Илм йўлидаги қийинчилик ва машаққатларга парво қилмай, таълимни давом эттирар экан, Убайдуллоҳ ибн Масъуд замонанинг кўзга кўринган факих, муҳаддис, муфасссир уламоларидан унумли дарс истифода қилади. Қуйида у кишининг устозлари келтирилган:

1. Муфтий Имомзода;
2. Имомиддин Заранжарий;
3. Бакр ибн Муҳаммад Заранжарий;
4. Имом Сарахсий;
5. Имом Ҳалвоний;
6. Абу Али Насафий;
7. Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл;
8. Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Сағир;
9. Абу Ҳафс Кабир;
10. Имом Муҳаммад;
11. Имом Абу Ҳанифа.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий замонасининг кўзга кўринган алломаларидан бўлиб, айниқса, усулул фикх, фуруъул фикх, хилоф, жадал, ҳадис, наҳв, луғат, адабиёт, илми калом, мантиқ каби илмларда пешқадам бўлган. У кишининг таълим беришда ўзига хос услублари бўлиб, талабаларни ўқитиш жараёнида масалаларнинг туб моҳиятини

англаб етиш учун ўта дақиқлик ва илгари ҳеч ким пайқамаган нозик жиҳатларга жиддий эътибор қаратган. Тасниф этган рисола ва шарҳ китобларида ҳам у кишидаги фанга хассослик билан ёндошув яққол намоён бўлади. “Никоя” номли китобларининг дебчасида айтадиларки: “Мен баъзи илм таҳсил қилувчиларнинг “Викоятур ривоя” матнларини ёд олишликда ҳимматларининг камайиб кетганини кўрганимдан сўнг, толиби илмлар ҳифз қилишлари (ёд олишлари) лозим бўлган “Мухтасарул виқоя” асарини таълиф этмоққа киришдим. “Ҳидоя” масалаларини ўз зехнида ҳозир бўлмоғини маҳбуб кўрган ҳар қандай инсон ушбу “Мухтасарул виқоя”ни ёд олмоғи лозимдир. Кимники вақти тигиз ва илм олмоқликдаги муддати қисқа бўладиган бўлса, “Мухтасар”ни ҳифзи учун вақтини сарф этсин”. Дарҳақиқат, ҳанафийлик фикҳига оид ушбу мўжаз асар қанча асрлардан буён Бухоро мадрасалари, қолаверса, Ўрта Осиёдаги кўплаб мадрасаларда фикҳ фанидан асосий дарслик сифатида талабаларга ёд олдирилган. Унда ҳанафийлик мазҳабидаги фикҳий масалалар қисқа ва лўнда шаклда, ёд олишга қулай тарзда моҳироналик билан келтирилган.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд фикри теран ва сўзи ўтқир аллома бўлганликлари боис, ҳар қандай олим у киши билан илмий баҳс ва мунозара олиб боришга журъат қила олмаган. Ҳар бир масалага ўта хассослик ва дақиқлик билан қаровчи ушбу уламо шаръий далиллар ва раддияларни керакли ўринларда ўз эгаларига бера олган.

Тошкўпирзодадан ҳикоя қилинади:

Аллома Қутбиддин Розий содруш шария билан имий мунозара қилмоқ истагида шогирдларидан бири мавлоно Муборакшоҳни у кишининг ҳузурларига юборди. Убайдуллоҳ ибн Масъуд у вақтда Ҳиротда эди. Муборакшоҳ у зотнинг ҳузурларига келган онда у кишини Ибн Синонинг мантиқ фанига оид “Ишора” китобидан талабаларга дарс айтиб турган ҳолда кўради. Муборакшоҳ дарс жараёнида содруш

шариъанинг кучли шижоати, китоб мусаннифи Ибн Сино ва унинг “Ишорат” китобига шарҳ ёзган Муҳаммад Тусийларга кучли ва ёрқин далиллар билан бераётган раддияларини кўриб хангу манг бўлиб қолади. Устози Кутбиддин Розийга мактуб йўллаб, айтадики: “бу киши “нарун ваққодун”, яъни “ёндирувчи олов” экан. У киши билан мунозара қилишингиз сизга фақат маломат олиб келади, холос. Аллома ўз фикри ва ижтиҳоди билан иш кўраркан”. Аллома Розий шогирдининг фикрини қабул қилиб, қасд қилган мақсадидан қайтади.

Содруш шариъа турли фанларга оид бир қанча китоблар тасниф этганлар. Бу борада Абдулхай Лакнавий ўзининг “Фавоид” номли китобида: “Содруш шариъа тасниф этган китобларнинг барчаси уламолар наздида макбул, илм аҳли наздида эса эътиборга сазовордир” деган.

У кишининг қаламига мансуб мўтабар манбалар қуйидагилар:

1. “Танқихул усул”. Бу асар ханафийлик усули фикҳига оид бўлиб, аҳли илмлар орасида “Танқих” номи билан машҳурдир.

2. “Тавзиҳ аълат-Танқих”. Бу асар Танқихнинг матнига ёзилган шарҳ ҳисобланиб, мусанниф унда бошқа усул китобларида учрамайдиган дақиқ масалаларни ёритган.

3. “Муқаддаматул арбаъ”. Бу китоб ҳам “Тавзиҳ” масалаларини ўз ичига олади ва унда усул фанида мушкул саналган масалалар баён этилади.

4. “Шарҳи виқоя”. Ханафийлик фикҳининг муфассал манбаларидан.

5. “Мухтасарул виқоя”. Унинг бошқача номи “Ниқоя”.

6. “Аш-шурут вал маҳозир”.

7. “Таъдилул улум”.

8. “Шарҳул фусулил хомсийн”

9. “”Ал-виҳош фил маъони вал баён”.

10. “Ал-арбаъун ҳадисан”.

У кишининг қаламига мансуб асарлар ханафий мазҳабида ёзилган бошқа йирик манбалардан тубдан фарқ қилади. Яъни, асар

таълиф этишда мусаннифнинг ўзига хос бўлган услуби мавжуддир. Билдириладиган танқидий ва эътирозий фикрлар асосли ва ишонарли тарзда, ўқувчи фаҳмига тез етиб борадиган йўллар билан баён қилинган. Шунинг учун ҳам таълим услубининг доврўғи дoston бўлган Бухоро мадрасаларида Содруш шариъанинг асарлари асосий дарслик сифатида қунт билан ўқитилган. Ҳозирги кунга қадар ҳам у зотнинг муборак мерослари илм аҳлининг асосий эътиборида бўлиб келмоқда. Юртимиздаги мадрасалар таълим дастури фикҳ фани бўйича у кишининг “Мухтасарул виқоя” асарлари асосида шакллантирилган. Толиби илмлар фикҳий сабоқларни айнан ушбу дарсликдан ўзлаштирадилар. Чунки «Мухтасарул виқоя» фикҳни англашда “Ҳидоя” масалаларини тўла тушуниш учун муҳим восита вазифасини бажаради. Бундан ташқари, “Ҳидоя” масалаларини ўрганишда диёрларимизда у кишининг “Шарҳул виқоя” асари ҳам алоҳида аҳамият билан ўқитиб келинган. Бу асарни ўқиш орқали талабалар катта фикҳий китобларни тушунишлик учун етарли малака ҳосил қилганлар.

Миллатимизнинг етук фикҳий арбоби, ўзидан сўнг авлодларга муносиб мерос қолдирган Убайдуллоҳ ибн Масъуд хижрий 747-йили, милодий ҳисоб бўйича 1346-йили бу фоний ҳаётдан кўз юмдилар. У кишининг ва ўзларидан кейинги барча авлодларининг қабрлари Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидадир.

Заҳабий ўзларининг “Сияру аъламул нубало” номли асарларида шундай деганлар: “Убайдуллоҳ ибн Масъуд шарқнинг етук олими ва Мовароуннаҳр ханафийларининг шайхидир. У киши мазҳабни билишлик у билан комил бўладиган ягона шахсдир”.

Кафавий “Китабу аъламил ахёр” номли рисоаларида: “Содруш шариъа ўз замонасининг беназир фақиҳ имоми бўлиб, мазҳаб ва хилоф илмини билишликда тенгсиз эдилар”, – деганлар.